
Бузуқўрғон маҳалласининг инфратузилмаси яхшиланиб, аҳолининг кўп йиллик муаммоларига барҳам берилмоқда (видео)

Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирлар жадал давом этмоқда.

Хусусан, иқтисодий-ижтимоий аҳоли энг оғир ҳудуд дея таснифланган Бузуқўрғон маҳалласининг мавжуд 4 кўчаларидаги таъмирталаб 6 минг метр ички йўллارни созлашга киришилди.

Айни дамда “Қўқон йўл таъмир” МЧЖ йўлсозлари томонидан маҳаллада олиб борилаётган ободлик тадбирлари натижасида ҳудуд янгича қиёфа касб этиб, аҳолининг узоқ йиллик муаммолари ҳал этилмоқда.

Маҳалладаги тош-тупроқли ички йўллارни таъмирлаш билан биргаликда, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 300 тадан зиёд янги таянч устунлари ва 3 дона янги трансформатор ўрнатиш ҳамда 7000 метрдан зиёд ҳаво тармоқларини тортиш тадбирларини бажариш ҳам белгиланган. Мазкур ободлик ишларига давлат бюджетидан жами 4,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Батафсил: [Видео](#)
2023-08-21 15:48:38